

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**«Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари**  
**қурилиш буйича инжиниринг компанияси”**  
**УК Қорақалпоғистон Республикаси худудий**  
**бошқармаси директори**



**Р. Мадатбаев**  
**2022й**

**Мўйноқ тумани Мўйноқ шаҳрининг ичимлик сув тармоқларини  
реконструкция қилиш ва янгидан оқава сув тармоқларини қуриш буйича**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Нукус шаҳри 2022 й.**

## УМУМИЙ ҚИСМ

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА**

#### **I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ**

Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган обьект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, ТАЖда кўрсатилган обьект бўйича танлов эълон қиласди.

Танловнинг тури – электрон танлов,

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим

#### **1. Умумий ҳолат**

**1.1** Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Конуни (кейинги ўринларда Конун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550 карори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойиҳалашдан олдин, лойиха, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда - қарор).

**1.2** Танлов мавзуси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўтқазилган 16 – сонли йиғилиш баёнига асосан, 2022 йил Қушимча дастурга киритилган обьектларнинг лойиха – смета ҳужжатларини тайерлаш ишлари.

**1.3. Танлов охирги қийматига:** лойиха – смета ишлари ҳамда лойиха олди ҳужжатлари (ЗВОС, экологик хулоса, АРТ, обьектни техник урганиш, лойиха қидирув ишлари, гидрогеология хулосаси) ва лойиха - смета ҳужжатлари учун "Шаҳарсозлик ҳужжатлари" экспертизаси хулосасини олиш ишлари киритилади. ТАЖ да кўрсатилган қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.4** Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.

**1.5** Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

**1.6** Ҳарид комиссияси йиғилишининг шакллари – онлайн, электрон тарзда.

#### **2 Танлов ташкилотчилари**

**2.1** Буюртмачининг номи – «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиш бўйича инжинииринг компанияси» УК Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқармаси (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

**2.2** Комиссиянинг ишчи органи ҳарид комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

**2.3** Танлов камидан 5 аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган ҳарид комиссияси томонидан ўтказилади.

#### **3. Танлов иштирокчилари**

**3.1** Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

**3.2 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.**

#### **4 Танловни ўтказиш тартиби**

**4.1** Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

- а) танлов шартлари билан танишиш учун маҳсус маълумот порталаида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
- б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ уз таклифини тақдим этиш;

**4.2** Кўйдаги иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

- а) Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;
- б) Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги;
- в) "Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;
- г) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг имтиёзли солиқ режимини тъминлайдиган ваёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки худудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

**4.3** Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: оферентлар ва буюртмачи ўртасида аффилланганлик хусусияти аниқланганлигида (бунда оферент тақдим этган ва расмий маълумотлар асосида текширилади), коррупцияга йўл кўйилмаслик тўғрисида ариза илова қилинмаса, баҳолаш учун зарур булган маълумотлар тақдим этилмаганда.

**4.4. Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қўйидаги талаблар қўйилади:**

- а) Танлов иштирокчилари қўйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш(хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг тегишли иш стажига ва соҳавий тажрибага эга бўлиши кераклиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага эгалиги, лицензияси объектнинг мураккаблик тоифасига тўғри келиши, ушбу худудда ишлаган соҳавий объектларининг рўйхати, лойиҳаси бош режалари кўрсатилиши лозим, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- б) Ушбу соҳа бўйича ишлаган объектларини рўйхати кўрсатилиши шарт.
- в) Доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, офис техникаларига эга бўлиши; бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин камидан 1 йил иш кўрсатганлиги, тажрибага эга бўлиши, устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

## **5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.**

**5.1** Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва хужжатлар Давлат ёки рус тилида бўлиши керак. Танлов таклифи Давлат еки рус тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак. Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

## **6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**6.1** Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

**6.2** Оферент: тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

**6.3** Танлов таклифи икки қисмдан иборат:

6.3.1. Шакллар рўйхати:

**1-шакл.** Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**2-шакл.** Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (Иловалари ва тасдиқловчи билан).

**3-шакл.** Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси, соҳавий ишлари лойиҳаси бош режаси кўрсатилиши.

**4-шакл.** Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда офис техникасининг рўйхати ушбу соҳа тегишли офис техникасининг кўрсатиш лозим (бунда зарур ҳолларда тегишли расмларни тақдим этишни талаб қилишша ҳақли).

6.3.2. Иловалар рўйхати:

**1 - илова.** Лойиҳа олди ва лойиҳа смета хужжатларини бажариш таклифи.

**2 - илова.** Лойиҳа олди ва лойиҳа смета хужжатларини ишларини бажариш графиги.

6.3.4. Тижорат қисми:

Лойиҳа олди ва лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқишининг бошланғич нархи;

Лойиха олди ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқишининг муддати;  
Шартнома лойихасидан иборат.

- 6.4 Шунингдек, иштирокчи барча танлов хужжатларини электрон тарзда тайёрлаши ва маҳсус порталига жойлаштириши керак
- 6.5 Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.
- 6.6 Техник таклиф иловаларга мувофиқ тўлдирилиб, тасдиқловчи хўжжатлар тақдим этилиши зарур.
- 6.7 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

## **7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

- 7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича ҳарид комиссияси масъул.
- 7.2 Таклифларни кўриб чиқишида барча хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли хужжатлар бўлмаган тақдирда, ҳарид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.
- 7.3 Ҳарид комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов хужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.
- 7.4 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, ҳарид комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.
- 7.5 Таклиф Қонун, меъёрий хужжатлар ва танлов хужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгилangan тартибда ишлашлари мумкин.
- 7.6 Ҳарид комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.
- 7.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида ҳарид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгилangan тартибда расмий равишида, ёзма равишида, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.
- 7.8 Танлов хужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун енг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

## **8 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги маҳфийлик.**

- 8.1 Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қўйидагиларга тегишликурвчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гурух аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперталар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

## 10. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

T/p	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	«Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиш бўйича инжиниринг компанияси” УК Қорақалпогистон Республикаси ҳудудий бошқармаси
2.	Объект номи:	Мўйноқ тумани Мўйноқ шаҳрининг ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш ва янгидан оқава сув тармоқларини қуриш.
3.	Танлов тури:	Электрон
4.	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<i>Etender.uzex.uz</i>
5.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<i>Etender.uzex.uz</i> махсус ахборот портали
6.	Танловда иштирок этишга қўйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	Лицензияга эга лойиха ташкилотлари
7.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Лойиха олди ва лойиха смета ҳужжатларини ишилаб чиқши
8.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Таклифларни тақдим этиши эълонда кўрсатилган муддатга қадар
9.	Танлов ҳужжатининг тили:	Давлат ва Рус тили
10.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	Танлов таклифини тақдим этиши муддати тугагандан 10 кунидан ошиши мумкин эмас
11.	Буюртмачининг обьект бўйича бошлангич нархи:	15% ҚҚС биласн 103 700 000,0 сўм
12.	Буюртмачи томонидан белгиланган муддати	22 кун
13.	Молиялаштириш манбаси:	Республика бюджет маблаглари ҳисобидан
17.	Лойихани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириши шартлари: бўнак - танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиха ташкилоти учун 30 %; жорий молиялаштириши - бажарилган ишларнинг ҳажсмидан 100% миқдорида.,
18.	Шартнома тили:	Давлат ва Рус тили
19.	Шартнома валютаси:	Сўм.